

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТАРИХИ
ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

Бекмуродов Абдувоҳид Абдуманнон ўғли

*Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси кадрлар гуруҳи
катта инспектори*

E-mail: abduvohidbekmurodov@gmail.com

[Тел: +998974779488](tel:+998974779488)

Аннотация: Мазкур тезисда Сирдарё вилояти ички ишлар идораларининг ташкил топиши, фаолият босқичлари, моддий-техник ва кадрлар тизимининг шаклланиши, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни таҳлил қилинган. Айниқса, 1963 йилдан бошлаб янги ташкил этилган вилоятда ички ишлар тизимининг оғир шароитларда фаолият юритгани, жиноятчиликка қарши кураш, миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар тарихий манбалар асосида ёритилган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг илдизлари ва тажрибасини ўрганиш ёш авлодда ватанпарварлик, бурчга садоқат ва тарихий хотирани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Сирдарё вилояти, ички ишлар идоралари, милиция, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат хавфсизлиги, мустақиллик, ҳуқуқ-тартибот, профилактика.

Кириш: Ўзбекистон ички ишлар органлари тизими мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва фуқаролар тинчлигини сақлашда муҳим давлат тузилмаларидан бири

хисобланади. Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси тарихи эса мамлакат ҳуқуқ-тартибот тизими ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамиятлидир. 1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил этилганидан сўнг, янги ҳудудда давлат бошқаруви тизимлари қатори ички ишлар органларини шакллантириш вазифаси ҳам юзага келди. Вилоят ҳудудининг кенглиги, аҳоли таркибининг хилма-хиллиги, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, кадрлар танқислиги каби омиллар ички ишлар тизими фаолиятини мураккаблаштирган. Шунга қарамасдан, вилоят милицияси оғир шароитларда фаолият бошлаб, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажаришга муваффақ бўлган.

Асосий қисм: Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси 1963 йилда ташкил этилди ва унга биринчи раҳбар сифатида полковник Хидир Дўстмуродович Давиров тайинланди. У Самарқанд, Наманган ва Бухоро вилоятларида ички ишлар тизимида раҳбарлик тажрибасига эга бўлган малакали раҳбар эди. Янги ташкил этилган вилоят таркибига Тошкент, Самарқанд ҳамда Қозоғистон ҳудудларидан ўн битта туман ва учта шаҳар бириктирилди. Дастлабки босқичда вилоят ички ишлар бошқармаси учун муносиб бино ва моддий база мавжуд эмас эди. Ходимлар Ховос қўрғони милиция бўлинмаси ҳамда темир йўл касалхонасининг бир нечта хоналарида фаолият юритишган. Кўпчилик ходимлар вагон-уйларда яшашга мажбур бўлган. 1963 йил май ойида вилоят маркази Янгиердан Гулистон шаҳрига кўчирилгач, ички ишлар бошқармаси қамиш ва тахтадан қурилган барак типигаги бинога жойлаштирилди. Бу даврда ички ишлар органларида асосий муаммолардан бири малакали кадрлар етишмаслиги эди. Олий маълумотли ҳуқуқшунослар сони кам бўлиб, жиноятларни очишда катта қийинчиликлар юзага келган. Шу билан бирга, Мирзачўл ҳудудини ўзлаштириш учун турли ҳудудлардан келган аҳоли

орасида муқаддам судланган шахслар ва жиноятга мойил кимсалар ҳам мавжуд бўлган. Бу эса жиноятчилик даражасининг ортишига сабаб бўлган. 1968 йилда ички ишлар бошқармаси икки қаватли янги бинога кўчирилди. Шу даврдан бошлаб тизимда кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилиб, тажрибали ҳуқуқшунослар, терговчилар ва профилактика инспекторлари жалб этилди. Натижада жамоат тартибини сақлаш тизими аста-секин мустаҳкамланди. 1981 йилда Сирдарё ГРЭСида йирик ёнғин содир бўлганида вилоят ички ишлар органлари фавқулодда вазиятни бартараф этишда фаол иштирок этди. Милиция ходимлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини муҳофаза қилиш ва транспорт ҳаракатини тартибга солиш вазифаларини амалга оширди. Бу ҳолат ички ишлар органларининг фақат жиноятчиликка қарши эмас, балки фавқулодда вазиятларда ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. 1989 йилда Фарғона воқеаларининг таъсири Сирдарё вилоятига ҳам етиб келди. Миллатлараро зиддиятлар хавфи кучайган бир шароитда ички ишлар органлари тезкор чоралар кўриб, казарма ҳолатида хизмат олиб борди. Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларида оммавий тартибсизликларнинг олди олинди. Бу жараёнда профилактика ишлари, аҳоли билан мулоқот ва тезкор бошқарув муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мустақиллик йилларида ички ишлар тизими фаолияти янги босқичга кўтарилди. 1991 йилдан бошлаб патруль-пост хизмати фаолияти такомиллаштирилди, маҳалла посбонлари ва яраштириш комиссиялари ташкил этилди. 1999 йилда паспорт тизими тўғрисидаги низом қабул қилиниши аҳоли ҳисобини юритиш ва миграция жараёнларини назорат қилиш имконини кенгайтди. 2000 йилларда жиноят-қидирув, терроризм ва наркотрафикка қарши кураш соҳаларида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилди. Кинология хизмати ташкил этилди, хизмат итлари учун махсус инфратузилма барпо қилинди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда янги таянч пунктлари қурилиб, профилактика инспекторлари учун зарур

шароитлар яратилди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида вилоятда жинойтчилик даражаси сезиларли қисқарди. Қасддан одам ўлдириш, талончилик, қурол сақлаш ва такрорий жинойтлар сони камайди. Бу эса ички ишлар органлари фаолияти самарадорлиги ошганини кўрсатади.

Хулоса: Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари тарихи мамлакат ҳуқуқ-тартибот тизимининг шаклланиши ва ривожланишини акс эттирувчи муҳим тарихий жараён ҳисобланади. Вилоят ички ишлар органлари ташкил этилган дастлабки йилларда оғир ижтимоий ва моддий шароитларда фаолият юритган бўлса-да, ходимларнинг фидойилиги ва масъулияти туфайли жамоат хавфсизлиги таъминланган. Айниқса, 1989 йилги миллатлараро можаролар, ғавқулодда вазиятлар ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мураккаб ижтимоий шароитларда ички ишлар органлари халқ осойишталигини сақлашда муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар эса тизимнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ва профилактика ишларини янги босқичга олиб чиқди.

Шу боис Сирдарё вилояти ИИБ тарихи нафақат ҳуқуқ-тартибот тизими ривожининг намунаси, балки фидойилик, ватанпарварлик ва халқ манфаатларига хизмат қилишнинг ёрқин ифодаси сифатида илмий жиҳатдан ўрганишга муносибдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тарихи бўйича архив материаллари.
2. Сирдарё вилояти ИИБ тарихига оид ҳужжатлар ва хотиралар тўплами.

3. Каримов И.А. *Ўзбекистон мустақилликка эришиши оstonасида.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. *Юксак маъnavият – енгилмас куч.* – Тошкент: Маъnavият, 2008.
5. “Известия” газетаси, 1989 йил 8 июнь сони.
6. Бозоров О. Фарғона воқеалари ва миллатлараро муносабатлар ҳақидаги илмий мақолалар.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ички ишлар тизимига оид меъёрий ҳужжатлар.

